ТОШКЕНТ—ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 213 (6074).

1 НОЯБРЬ

СЕШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЧЕПЕЛЬ МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК КОМБИНАТИНИНГ КОЛЛЕКТИВИГА

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Сизнинг донги кетган «Қизил Чепель» меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажарганликлари тўғрисида берган хабарингиздан бениҳоя хурсанд бўлдим.

Сизнинг муваффақиятларингиз ижтимоий бурчни юксак даражада англашнинг ажойиб далили бўлиб, Венгрия ишчилар синфининг чинакам қардошларча интернационал бирдамлигини ёркин ифода этади. Ана шу меҳнат ғалабаси — халқ Венгриясининг бешинчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишга ва совет ҳамда венгер халқлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги муштарак вазифаларни биргаликда ҳал этишга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Сиз социалистик мусобақанинг янги формасини ҳамдўстлигимиз мамлакатлари ҳаётига жорий этдингиз. Бунинг аҳамияти миллий чегаралар билан чекланиб қолмайди.

Совет Иттифоқи, Венгрия Халқ Республикаси ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларда кўп миллионли кишилар-нинг меҳнат ғайрати шижоати янги дунёни барпо этишдаги ягона қудратли оқимга айланмоқда. Бу — революцион қардошликнинг, мамлакатларимиз ишчилар синфининг Улуғ Октябрь ғояларига садоқатининг жуда ажойиб рамзидир.

Коммунистик партия, совет халқи номидан ва шахсан ўз номимдан сизларни қизғин табриклайман ва янги ҳаётни барпо этиш, социализм ва коммунизм ишининг тантанаси манфаатлари йўлида бажараётган олижаноб меҳнатингизда янгидан-янги, катта муваффақиятларга эришувингизни тилайман.

Ўртоқлик саломи билан

Л. БРЕЖНЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Хоразм область Комитетининг секретари

ўртоқ **М. ХУДОЙБЕРГАНОВга**

Халқ депутатлари область совети ижроия комитетининг раиси

ўртоқ **Р. ЭШЧОНОВга**

Хоразм областининг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, танёрлаш ва транспорт ташкилотлари, ўқув юртлари, саноат корхоналари коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, барча меҳнаткашларини давлатга пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарилганлиги билан самимий табриклайман.

Хоразм областининг қишлоқ меҳнаткашлари колхоз ва совхозларнинг резервларидан кенг фойдаланиб, пахта, шоли, озуқабоп экинлар маҳсулотларини етиштиришда, чорвачиликни ривожлантиришда янги-янги муваффақиятларга эришдилар, давлатга деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча маҳсулотларини сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини бажарадилар, деб ишонаман.


Л. БРЕЖНЕВ.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети халқ хўжалиги турли тармоқларининг энг кўп ўрнак кўрсатган меҳнаткашлари, илм-фан, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари ходимларидан, студентлар ва ҳарбий хизматчилардан 39 мингдан ортиқ кишини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан таъсис этилган юбилей Фахрий ёрлиғи билан мукофотладилар.

Мукофотланганларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолибларидир.

Мукофотланганлар орасида Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда, социалистик ва коммунистик қурилишда актив қатнашган партия, революция ва меҳнат ветеранларидан уч мингга яқин киши бор. 1922 йилгача партия сафига кирган КПСС аъзоларидан 400 дан ортиқ киши юбилей Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.



Бугунги Тошкент кўринишлари.

В. Таран фотолари.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА ГРАЖДАНЛАР УРУШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА, СОВЕТЛАР ҲОКИМИЯТИ УЧУН АКТИВ КУРАШЧИЛАРГА

Азиз ўртоқлар!

Ватанимиз ва бутун прогрессив инсоният тарихида шонли воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг, жаҳонда биринчи ишчи-деҳқонлар давлати бунёдга келганлигининг 60 йиллиги муносабати билан йўллаган самимий табригингиз ва яхши истакларингизни ғоятда тўлқинланиб, миннатдорчилик туйғулари билан ўқиб чиқдим.

Совет халқи ленинчи Коммунистик партия бошчилигида Улуғ Октябрь ғалабасидан ривожланган социализм жамияти қуришгача бўлган қаҳрамонона йўлни босиб ўтди. Коммунистик бунёдкорлик ишларингиз, улуғвор ғалабаларингиз ва равшан истиқболлари — марксча революционер-лар авлодларига ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ва қурган иш тарихан ҳақиқий эканлиги ва енгилмаслигининг яққол тасдиқидир. Бугуни кунда эришган ва янги Конституцияда мустаҳкамлаб берилган барча ютуқларимиз битмас-туганмас социал оптимизм манбаи бўлиб хизмат қилади, коммунистларни, барча меҳнаткашларни янги-янги чўққиларни эгаллашга, тинчлик ва социализмнинг таянчи бўлмиш ватанимиз куч-қудратини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга сафарбар этади.

Сиз, кекса авлод коммунистлари, Октябрь революциясининг актив иштирокчилари шу революция ғалаба қилмоғи учун, советлар ҳокимияти қарор топмоғи учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилдингиз, социализм ва коммунизм тўнғич қурувчиларининг ҳамиша пешқадамлари бўлдингиз, революция эришган ғалабаларни душманлар ҳамласидан қаттиқ туриб ҳимоя қилдингиз. Сиз шу шонли йўлнинг ҳамма босқичларида Ленининг буюк ишига меҳнатингиз садоқат чўққиларини қўшдингиз.

Ҳамиша бўлгани сингари сизлар бугунги кунда ҳам янги жамият бунёдкорларининг умумий сафида турибсиз, коммунистик эътиқодингиз, билимингиз, улкан революцион тажрибангизни совет кишиларининг янги-янги авлодларига, шонли ёшларга ҳормай-толмай ўргатиб келяпсиз. Сизлар марксизм—ленинизм ғояларининг эҳтиросли тарғиботчилари, партиянинг ленинча бош йўли амалга оширилиши учун содиқ курашчилар, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарининг изчил ва толмас давомчилари бўлганингиз ҳолда умумпартиявий ишга муҳим ҳисса қўшяпсиз. Мана шу қаҳрамонона анъаналар — бизнинг умуммиллий ифтихоримиз, коммунизм учун курашда куч ва ижодий илҳом манбаидир.

Сизларнинг ёшларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш борасидаги оliжаноб фаолиятингизга Коммунистик партия, бутун совет халқи томонидан эътироф этилди ва қизғин маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан сизларни ажойиб байрам — Октябрнинг 61 йиллиги билан муборакбод этиб, ҳаммангизга сиҳат саломатлик, шахсий бахт-саодат, улуғ мақсад—коммунизм ғалабасига эришиш йўлида катта ва муҳим ишингизда янги-янги муваффақиятлар тилашимга рухсат этгайсиз.

Л. БРЕЖНЕВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Биз, Ленин партиясининг аъзолари, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва гражданлар урушининг қатнашчилари, Советлар ҳокимияти учун курашчилар шонли юбилей — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунларида Сизга қизғин, коммунистик салом йўллаймиз ва коммунизм тантанаси йўлида янги-янги улкан зафарларга эришишингизни астойдил тилаймиз.

Марксизм-ленинизм ғоялари байроғи остида Октябрь ғалаба қозонди, бу ғоялар миллион-миллион кишилар ақл-идроки ва қалбидан жой олиб қудратли бунёдкор куч бўлиб қолганлигидан барча совет кишилари сингари биз ҳам беҳад фахрланмоқдамиз. Совет халқининг ижодий, қаҳрамонона меҳнати мамлакатимизни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Мамлакатимиз олтмиш йил мобайнида асрларга тенг келадиган йўлни босиб ўтди — СССРда ривожланган социализм жамияти қурилди. Бинобарин, ана шу шонли йўлдаги барча ғалабаларга улуғ партиямиз, Ленин партияси раҳбарлигида эришди. Ленин партияси ишчилар синфининг энг яхши хусусиятларини ўзида мужассамлаштириб, Октябрнинг музаффар байроғини шараф билан кўтариб борди ва кўтариб бормоқда. КПСС кураш ва бунёдкорликнинг жуда катта тажрибасига таяниб, марксча-ленинча революцион назарияни ижодий қўлланиб ва ривожлантириб, халқимизни Ленин кўрсатган йўлдан коммунизм сари комил ишонч билан бошлаб бормоқда.

Биз, Улуғ Октябрь замондошлари эски дунёни қолибона штурм қилишда, янги социалистик тузумни ҳимоя қилиш ва барпо этишда қатнашишга мушарраф бўлганлигимизни англаш катта бахтдир.

Биз партиямизнинг Ленин васиятларига амал қилиб, меҳнаткаш инсон тўғрисида қамхўрлик қилишни ҳамма нарсадан юқори қўяётганлигини зўр мамнуният билан кўриб турибмиз. Халқ манфаатлари партия режалари ва ниятларини белгилаб бермоқда. Халқ манфаатлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларида ўзининг мужассам ифодасини топди.

Ленинчи Марказий Комитетнинг, совет халқининг содиқ фарзанди, изчил марксчи-ленинчи, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, тинчлик ва социал тараққиёт учун толмас курашчи бўлган Сиз, азиз Леонид Ильич бошлиқ Марказий Комитет Сиёсий бюросининг коллектив бўлиб қилаётган ижодий иши ана шу қарорларни муваффақиятли амалга оширишда жуда катта роль ўйнамоқда. Биз, Леонид Ильич, Сизнинг СССР Олий Совети Президиуми раиси лавозимига сайланганлигингизни зўр мамнуният билан кутиб олдик. Бу қарор совет халқининг Ленин партиясига бўлган чуқур муҳаббати ва ишончининг ифодаси бўлиб, совет жамияти ва давлатининг олий манфаатларига мосдир.

Биз, партия ветеранлари бевосита КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюро раҳбарлигида, Конституция комиссиясининг Раиси сифатида шахсан Сизнинг, Леонид Ильич, раҳбарлигингизда ишлаб чиқилган СССР янги Конституциясининг лойиҳасини ғоят қизиқиб ўргандик. Ана шу жаҳоншумул — тарихий ҳужжатнинг умумхалқ муҳокамаси жуда катта ижтимоий ва сиёсий воқеа бўлди. Бу муҳокама давомида совет жамиятидаги барча синфлар ва социал гуруҳлар, барча миллатлар ва элатларнинг мустаҳкам бирлиги зўр куч билан намоён бўлди. Биз СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида қилган докладингизни, СССР Конституциясининг қабул қилинишини қизғин ва яқдиллик билан мақуллаймиз. Ривожланган социалистик жамият ҳаётининг янги асосий қонуни халқ фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида, социалистик демократияни чуқурлик билан ривожлантириш ва кенгайтириш, совет давлатини мустаҳкамлаш ҳақида партиянинг ленинча ғамхўрлигини зўр куч билан ифода этиб, совет халқини янги улуғвор зафарларга илҳомлантиради.

Барча совет кишилари сингари биз партиянинг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буён ҳам курашни олиб боришга қаратилган ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Улуғ Октябрь, марксизм-ленинизм ғоялари, реал социализмнинг тарихий тажрибаси ҳозирги вақтда жаҳон тарихининг бутун боришига ҳал қилувчи таъсир ўтказмоқда.

Биз Октябрнинг шонли юбилейи арафасида фабрика ва заводларда, совхоз ва колхозларда, муассасаларда, ҳарбий қисмларда, олий ўқув юртлари ва мактабларда тез-тез бўлиб турдик. Биз ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг намоёндалари, ёшларимиз билан бўлган учрашувлар чоғида Совет ҳокимияти учун олиб борилган курашда, социализм ва коммунизм қурилиши жараёнида қарор топган революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари совет кишиларининг янги авлодлари томонидан муқаддас бинобарин авайлаб сақланаётганлиги ва кўпайтирилаётганлигини ёзишга чуқур ҳис этмоқдамиз.

Ана шу шонли анъаналарни ёшларимизга топшириш, уларда коммунистик эътиқодлилик-ни тарбиялашни ўзимизнинг муҳим вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз. Биз ёшларни бундан буён ҳам Улуғ Октябрь, социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализми ғоялари руҳида, коммунизм идеалларига садоқат руҳида ҳормай-толмай тарбиялайверамиз.

Биз, коммунистлар кекса авлоднинг вакиллари партия Марказий Комитетини, совет халқини, шахсан Сиз, азиз Леонид Ильични ишонтириб айтамизки, ўзимизнинг бутун куч, билим ва тажрибамизни ватанимиз бахт-саодати учун, коммунизм тантанаси учун курашга бағишлаймиз.

Социалистик ватанимиз — Улуғ Октябрь ватани яшасин ва гуллаб-яшнайверсин!

Коммунизм қурувчиси бўлган улуғ қаҳрамон совет халқига шон-шарафлар!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг, совет халқи барча улуғвор зафарларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

А. Д. Блохин, Ф. М. Кнунянц-Ризель [1903 йилдан партия аъзоси], А. Г. Бейлин [1905 йилдан], Д. П. Сяликов [1906 йилдан], Я. П. Крикман [1907 йилдан], Е. Г. Коваленко, Н. И. Налетов, А. А. Янишева [1910 йилдан], Л. В. Емельянова [1911 йилдан], А. И. Алексеев, Ю. К. Милонов, В. А. Сапожникова, С. К. Стандецкий, Ф. Н. Снэранкин [1912 йилдан], А. Я. Калинин, Н. Т. Крупский, Н. С. Оганесов, П. Н. Потапов [1913 йилдан], К. Г. Аршавский, Н. П. Богданов, Н. И. Иконников, М. М. Темкин, В. Ф. Федоров, К. П. Чудинова [1914 йилдан], А. А. Бабицин, И. С. Бузулаев, В. П. Виноградов, М. М. Константинов [1915 йилдан], И. И. Гфдеев, А. Ф. Горкин, Н. Р. Изаков, П. Н. Пэспелов, И. М. Сахьянова, А. Я. Страут [1916 йилдан], П. Я. Воронова, Е. А. Гилярова, И. М. Егоров, Д. С. Жирков, И. А. Камров, Н. В. Крилов, В. Д. Кудрин, И. К. Кузин, К. А. Остроухова, Д. З. Протопопов, И. К. Стародубцев, В. Т. Сухоруков, А. И. Тимофеев, М. Г. Фортус, И. Л. Хижняк, Я. Д. Чаннишев, Л. Р. Шапиевская, Л. И. Шушпанов [1917 йилдан], Е. И. Жимлов, М. А. Иванова, П. А. Кабанов, Ф. Д. Кретов, А. В. Лужних, Н. А. Попов, М. В. Росляков, П. Ф. Смородов, И.И. Сидоров, Е. А. Степанова, Н. А. Ячаев, М. Г. Юдин [1918 йилдан], В. Г. Бакаев, П. К. Боргиевский, И. Д. Папанин, М. Ф. Панов, Н. М. Хлебников [1919 йилдан], А. Г. Жебрак, Е. А. Попова [1920 йилдан], А. Н. Егоров [1921 йилдан] ва бошқалар. Мактубни жами 2959 киши имзолаган.

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК, ЖАСОРАТ ШАҲРИ

БАРЧА совет кишилари қатори Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари ҳам СССР янги Конституциясини қалблари ватанпарварлик ҳис-туйғуларига тўлган ҳолда кутиб олдилар. Митинг ва йиғилишларда сўзга чиққан ишчилар, қурувчилар, зиёлилар партия сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаб гапирдилар, ўз шарафли меҳнатлари билан Ватан куч-қудратини янада оширишга сўз бердилар.

Б. ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари

ЯНГИ Конституциянинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги арафасида қабул қилинганлиги ўзига хос бир маъно кашф этди. Бинобарин, СССРнинг янги Конституцияси меҳнат аҳлининг асрий ниятлари ва орзуларини ўзида мужассамлаштирган ва янги давр очиб берувчи, мамлакатнинг 60 йиллик ривожланиш натижаларини ўзида тўла ифодалаб берувчи ҳужжатдир. Жаҳондаги биринчи социалистик давлатнинг асосий Қонуни Ленин партиясининг донишмандлиги ва жуда бой тажрибаси, коллектив ақл-идроки, совет халқининг ижодкорлик даҳоси билан сугорилган. Октябрь ғояларининг тўла-тўкис амалга ошаётганлиги, партиямиз ленинча миллий сиёсатининг тантанаси, мамлакатимизнинг моддий ва маънавий тараққиёти Конституциянинг ҳар бир моддасида исботлаб берилган.

Ленинча интернационализм ва халқлар дўстлиги принциплари тантанасини биз бугунги Тошкент мисолида кўриб турибмиз. Ўтган 60 йил давомида шаҳар мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди. Чор Россиясининг қолоқ бир маъмурий марказидан Совет Шарқининг йирик саноат ва маданият марказига, тинчлик, дўстлик, меҳнат шаҳрига айланди. Шаҳримизда ҳозир 1,7 миллиондан ортиқ киши яшамоқда ва самарали меҳнат қилмоқда.

Революциягача Тошкентда 150 та кустар ва ярим кустар устахонага ўхшаш корхона бор эди, холос. Бу корхоналарда ҳамма ишлар қўлда қилинар, иш унуми паст эди. Ҳозирги пайтда «Ўртоқ» фабрикаси бир сменада тайёрлаган конфетларни ўша пайтдаги корхоналар йил бўйи ҳам ишлаб чиқара олмас эди. Ўзбекистонда азалдан пахта экиб келинишига қарамай, Тошкентда бирорта ҳам тўқимачилик корхонасининг бўлмаганлиги ҳам кишини ажаблантирарди.

Совет ҳокимияти йилларида Тошкент саноати камол топди. Улуғ Ватан урушигача бу ерда йирик машинасозлик, металл ишлаш, енгил саноат корхоналари қад кўтарди. Ҳозир тўла қувват билан ишлаб турган тўқимачилик комбинати пойдеворига биринчи ғишт дастлабки беш йилликларда қўйилган эди. Бугуни кунда корхона тўқиб чиқараётган газламалар жаҳонга машҳур. Корхона бағрида яна қаҳрамонлар, донгдор кишилар ўсиб етишди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Лидия Казанцева, Буолма Жўраева, Ленин ордени кавалери Вера Солдатова, талантли тўқувчи Дилбар Қулматова каби ҳамшаҳарларимиз номини бугуни кунда ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Кейинги 40 йил ичида шаҳримизда рўй берган ўзгаришларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Аввалги Конституция қабул қилинганидан сўнг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 51 марта кўпайди. Дастлабки енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида кўпгина жараёнлар ярим кустар усулида бажарилган бўлса, эндиликда бутун-бутун цехларни автоматлар бошқармоқда. Пахтачилик машинасозлиги, трактор-созлик, самолётсозлик, электрон техника корхоналари маркази бошлиган меҳнатсупотлар доврўғи бутун оламга ёйилган. Кейинги йилларда саноат ишлаб чиқаришнинг бошқариш янада такомиллашди. Ишлаб-ишлаб чиқариш бирлашмалари тузилди.


Саноатнинг ривожланиши билан бошқа тармоқлар ҳам ўсди. Турар-жой коммунал хўжалиги янгидан ташкил этилиб, замонавий техника билан жиҳозланди. Умумий фонди 5,5 марта, чакана товар оборотини қариб 15 марта кенгайди. Айниқса, фан ва маданиятни ривожлантиришда катта ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозирги кунда шаҳримиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 400 минг ўқувчи ва студент таълим олмоқда. Юз мингдан ортиқ олий маълумотли мутахассис юксак малакали кадрлар тайёрлашда муносиб хизмат қилаяпти. Шаҳримизда ишлаб турган 150 та илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари халқ хўжалигини ривожлантиришда, илмий-техника тараққиёти суръатларини оширишда катта ҳисса қўшмоқда.

Биз эришаётган ютуқларимиз ҳаммасидан қардошлар, биринчи навбатда улуғ рус халқининг буюк ҳиссаси сезилиб турибди. Тошкент эпизилласининг оқибатларини бартараф этишда қардош халқлар биз ёқадан бош чиқариб меҳнат қилдилар. Уша пайтдаги жасорат интернационализм ва бирдамлик принципларининг амалдаги тантанаси бўлди. Дўстлар мадади билан яна ҳам гўзал, яна ҳам кўркам шаҳар бунёд этилди. Шаҳримизда бўй чўзган замонавий архитектура ансамблари, уникаль маъмурий ва маданий-маиший бинолар, обод турар-жой комплекслари, кенг-кенг кўча ва проспектлар бугун халқлар дўстлигига ўрнатилган мустаҳкам ҳайкалдек ўзини кўз-кўз қилиб турибди.

[Давоми 2-бетда].

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АЪЗОЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ КОМИТЕТ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигига бағишланиб ўтказиладиган тантанали мажлисига келган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссияси аъзолари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 3 ва 4 ноябрь кунлари эрталаб соат 10 дан кечкурун соат 6 гача Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинади.



Суратда: Тошкентда Туркистонлик 14 комиссар хотирасига ўрнатилган монумент.

А. Абалян фотоси.

ТОШКЕНТ—ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! 1977 ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ПЛАНИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ! МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ НИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИШ СИФАТИНИ ҚУНТ БИЛАН ОШИРИШГА ЭРИШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК, ЖАСОРАТ ШАҲРИ

(Бошн 1-бетда).

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик давомида интернационал тарбиянинг янги-янги формалари қарор топди, омманинг меҳнат ва сиёсий активлиги яна ҳам ошди, оммавий мусобақани ривожлантирнш истиқболлари очилди. Ҳозирги кунда 400 мингдан ортиқ тошкентлик социалистик мусобақада актив иштирок этмоқда. Уларнинг аксарияти ўнлар ташаббусига қўшилиб бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилган. Ишлаб чиқариш илғорларининг кўпчилиги шу кунларда беш йилликнинг 3,5—4 йили планини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бермоқдалар. Бундай пешқадамлар орасида Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси Вера Солдатова, «Ташсельмаш» заводи тунукасоз слесари Маҳмуджон Мўйдинов, Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик заводи йиғувчи-слесари Назрулла Маннонов ва бошқа зарбдорлар бор.

Илғорлар ҳиссаси билан шаҳримиз саноатчилари ўн ойлик топшириқни муддатидан олдин, 21 октябрда муваффақиятли адо этдилар. Ой охиригача планга қўшимча равишда қарийб 67 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган корхона планга қўшимча равишда маҳсулот реализация қилиш йиллик планнинг ҳозирок бажариб қўйди. Юздан ортиқ цех, 220 участка коллективи ўнинчи беш йилликнинг дастлабки икки йили топшириғини бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди.

Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда дўстлар тажрибаси қўл келмоқда. Шаҳримиз саноатчилари қўшни республика, шаҳар, район корхоналари коллективлари билан мустаҳкам дўстлик алоқалари ўрнатганлар. Москва, Воронеж, Одесса, Олмаота, Львов, Житомир машинасозлари, Харьков метросозлари, Ленинград ва Иваново тўқувчилари тошкентлик ҳамкасбларига ўз тажрибаларини қунт билан ўргатмоқдалар. Узаро ҳамкорлик давомида асосий эътибор ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларини қарор топмоқда.

Тошкент — янги қурилишлар шаҳри деб бежиз айтишмайди. Кейинги ўн йил давомида шаҳримиз жамоли яна ҳам очилиб кетди. Йил сайин қурилишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида қарийб ярим миллион квадрат метр тураржой, 9 минг ўқувчи ўрнили мактаблар, 2100 ўринли боғча-ясликлар фойдаланишга топширилди. Саноат корхоналарида янги қувватлар ишга туширилди. Транспорт, алоқа, савдони ривожлантиришда дадил қадамлар ташланди. Яна бир неча кундан сўнг, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида метрополитен қурилишининг биринчи линиясн фойдаланишга топширилади. Бу линия Чилонзор кварталларини шаҳар маркази билан боғлайди.

Шаҳар партия ташкилоти ўроқ ва болға иттифоқини янада мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатилаётган оталиқ ёрдамлари йил сайин кучайиб бормоқда. Пахтачиликнинг комплекс механизациялаш мақсадида «Ташсельмаш» заводида янги қувватлар ишга туширилмоқда, такомиллашган машиналар яратилмоқда. «Ўзбексельмаш», трактор, экскаватор заводларининг коллективлари ҳам янгидан-янги йил сайин кўпроқ техника билан таъминлаш учун курашмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликда шаҳримиз учун янги истиқболлар очилмоқда. Олимлар ва мутахассисларнинг катта группаси иштирокида ишлаб чиқилган шаҳарни соцнал-иқтисодий ривожлантириш планн асосан тасдиқланди. Бу планда тошкентликлар моддий ва маданий турмуш фаровонлигини янада оширишнинг истиқболларя тўла ҳисобга олинган. Бу беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 41,1 процент ошади. Бундан буён маҳсулот сифатини яхшилашга, турли хилдаги кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилади. Пассажир транспорти тармоқлари кенгаяди. Тошкент метрополитени қурилиши давом эттирилади. Шаҳар электр транспорти тармоқларини ривожлантиришга қарийб 30 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланади.

Янги беш йилликда янги микрорайонлар қад кўтаради, кўркам кўчалар ва хиёбонлар очилади. Беш йиллик давомида фақат маҳаллий Советларнинг объектлари қурилишига 869 миллион сўм сарфланади. Бу тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 126 миллион сўм кўпдир. Турар-жой қурилишлари учун 650 миллион сўмликка яқин маблағ ажратилган. Бу маблағ эвазига 4,4 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бунёд этилади. Кооператив уй-жойлар қурнш кўлами ҳам 2,5 марта кенгаяди.

Ўнинчи беш йилликда фан, маданият, маориф янада ривож топади. 53 минг ўқувчи ўринли мактаблар, 17 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, 3780 койкали касалхоналар, 3750 беморни қабул қилувчи поликлиникалар ва бошқа кўплаб соцнал-маданий ҳамда маиший хизмат объектлари бунёд этилади. Чакана товар оборотн ҳажми эса 32,5 процент ошади. 1980 йилга борнб шаҳар аҳолисига қарийб 2 миллиард сўмлик турли хил моллар сотилади. Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат кўлами 1,6 марта кенгаяди.

Ўнинчи беш йиллик планлари ривожланган социалистик жамиятнинг қудратли куч ва имкониятларидан далолат бериб турибди. Бу планлар реаллдир. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик жарасннда коммунистлар кўрсатаётган онгли меҳнат, соцкалистик мусобақа давомида туғилаётган ватанпарварлик ташаббуслари партия ва халқ бирлигини ифодалаб турибди. Тошкентликлар СССР янги Конституцияси қабул қилинган йилни коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида юксак зафарлар билан нишонлашга азму қарор қилганлар. КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, шунли Октябрнинг 60 йиллигини янги зафарлар билан кутиб олиш ҳозир ҳар бир коллективнинг, ҳар бир коммунист ва меҳнаткашнинг жонажон ишига айланган.



ИНҚИЛОБ ҚИЗИМАН

Ўнинчи беш йилликда планлари ривожланган социалистик жамиятнинг қудратли куч ва имкониятларидан далолат бериб турибди. Бу планлар реаллдир. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик жарасннда коммунистлар кўрсатаётган онгли меҳнат, соцкалистик мусобақа давомида туғилаётган ватанпарварлик ташаббуслари партия ва халқ бирлигини ифодалаб турибди. Тошкентликлар СССР янги Конституцияси қабул қилинган йилни коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида юксак зафарлар билан нишонлашга азму қарор қилганлар. КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, шунли Октябрнинг 60 йиллигини янги зафарлар билан кутиб олиш ҳозир ҳар бир коллективнинг, ҳар бир коммунист ва меҳнаткашнинг жонажон ишига айланган.

ЗИЁ ЁҒДУСИДАН ЧАРОҒОН МАСКАН

С. СИРОЖИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти

ҲАР гал революция ҳиёбонидан ўтаётганимда нигоҳимни бир ғиштин бино ўзимга тортади. Салобатли, серфайз бу масканнинг кўзимга иссиқ кўринишн ва менн тўлқинлантиришининг боиси бор. Тошкентда илм-фаннинг ривожланиш тарихи шу бино билан боғлиқ. Уша йигирманчи йилларнинг оғир дамларида Ленин йўлланмаси билан келган 86 нафар профессор ва ўқитувчиларнинг зиё таратишдаги биринчи қадами шу ердан бошланган. Бу бинога бўлган эҳтиромимнинг яна бир сабабн шундаки, ҳозирги кунда номлари жаҳонга машҳур бўлган ўзбек олимларининг кўплари шу илм даргоҳи — В. И. Ленин декрети билан ташкил этилган Тошкент давлат университетининг биринчи қалдирғочларидир.

ПОЙТАХТ аҳли 1918—1920 йилларда Москвадан юборилган 65 вагон лаборатория ускуналари, ўқув қўлланмалари, 20 минг том китобни ҳам доҳийга бўлган жўшқин меҳр ва юксак садоқат билан кутиб олди, илмга ташна халққа хизмат қилгани келган М. С. Андреев, Е. П. Коровин, Н. Л. Корженевский, И. А. Райкова, В. И. Романовский, А. С. Уклонский, Г. Н. Черданцев каби меҳрибон устозларга бағрини очди.

Университетнинг ташкил этилиши кўп йиллар давомида чоризмнинг зулми туфайли қолоқ бўлиб келган мазлум ўлкага партия ва ҳукуматимиз кўрсатган беқиёс ғамхўрлигининг буюк тимсоли эди. Тошкент давлат университети кейинчалик шаҳарда вужудга келган кўпгина илм муассасаларининг бешиги ҳам бўлиб қолди. Дастлаб университетнинг ўзида унчалик катта бўлмаган химия, биология, физика-математика, зоология илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий жамиятлар пайдо бўлди. Йиллар ўтиши билан бу институтлар университет кучоғидан парвоз этдилар.

Шаҳар партия ва совет ташкилотлари Улуғ Октябрдан сўнгги ички кураш ва бунёдкорлик йилларида қийинчиликларни енгиб, қандай бўлса ҳам илм, фан ва маданиятни ривожлантиришга, халқ хўжалигининг тараққиётига тезроқ салмоқли ҳисса қўшишга интилдилар. Шу тариқа Тошкентда пахтачиликни ривожлантиришнинг актуал проблемаларини ҳал этиш мақсадида 1926 йилда яна бир илм даргоҳи Сув хўжалиги тажриба-тадқиқот институти вужудга келди.

Ўттизинчи йиллардаёқ Тошкент илм-фан марказига айлана бошлади. Хусусан 1933—1934 йилларда Ўзбекистонда 10865 студентни ўз бағрига олган 24 олий ўқув юрти бўлса, улардан кўплари ҳозирги пойтахтга жойлашган эди. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда жуда кўплаб олимлар самарали ишлар олиб бордилар. Уларнинг илмий ишлари республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Энди давр турли мутахассисликлар бўйича қилинаётган катта илмий ишларни марказлаштиришни тақозо этарди. Урушнинг оғир пайтларига қарамай 1943 йил 4 ноябрь куни Совет ҳукуматининг қарори билан Тошкентда тантанали равишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси очилди.

Ҳозир Академияда ўттиздан ортиқ илмий муассасалар иш олиб бормоқдалар. Уларда халқимиз ҳақли равишда фахрланса арзийдиган бақбўй олимлар: Ўзбекистон Фанлар академиясининг 41 нафар академиклари ва 49 нафар мухбир-аъзолари жўшқин фаолият кўрсатаётирлар. СССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. С. Содиқов, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Ю. Юнусов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. В. Пославский сингари илм соҳиблари ўнлаб таниқли олимларнинг устозлари бўлганликлари билан ҳам алоҳида ҳурмат ва эътиборга сазовордирлер. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари: Ленин мукофотининг лауреатлари Ё. Х. Тўрақулов, И. Х. Хамробоев, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари Т. А. Сарымсоков, Х. А. Раҳматулин каби етук олимларнинг номини бутун жаҳон билади.

Тошкентда жойлашган илмий муассасалар совет фани, экономикаси ва маданиятини равнақ топтириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Юқори ҳосилли, ҳарқандай касалликка чидамли, эртапишар пахта навларининг яратилиши, такомиллашган ирригация системаларининг кенг жорий қилиниши, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаштириш, фан ва илғор агротехника ютуқларидан тўла фойдаланишда ҳам олимларнинг камтарин, лекин машаққатли меҳнати ўз ифодасини топган.

Академиянинг янги илмий йўналишдаги ишларини ривожлантиришда бундан ўн бир йил аввал ташкил этилган ҳисоблаш марказига эга бўлган Кибернетика институти, электроника, ўизика-техника, астрономия, сейсмология, математика, ядро физикаси, бир қатор химия ва ботаника, биология, шарқшунослик, тил ва адабиёт институтлари олимлари активлик кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги замон геологияси назарий масалаларини ҳал этишда катта муваффақиятларга эришилди. Республикамиз территориясида газ, нефть ва бошқа қимматли маҳсулотлар конлари очилди. Ҳ. М. Абдуллаев номли геология ва геофизика институтининг олимлари турли металл конларида рудаларнинг жойлашув қатлами характерини аниқладилар.

Физиканинг турли соҳаларида муҳим назарий тадқиқотлар олиб борилди. Айниқса, ядро физикаси олимлари қўлга киритган ютуқлар бугунги кунда чет эл олимлари эътиборини жалб этмоқда. Физика-техника институти томонидан ҳал қилинган қатор проблемалар халқ хўжалигида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Гап шундаки, Тошкент чин маънодаги илм-фан маскани сифатида юксалиб бормоқда. Бу ерда ҳар йили катта илмий конгрессларга, симпозиумлар, семинарлар ўтказилмоқда. Бирнна ўтган йилнинг ўзида шаҳар йигирмага яқин ана шундай йиғинларнинг гувоҳи бўлди. Айниқса, «Ядро спектроскопияси ва атом ядросининг тузилиши», «Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон республикаларида тарихий ёдгорликлар ва маданиятни ўрганиш», мактабларда рус тилини ўқитишга оид симпозиумлар ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ҳамда пролетар интернационализмининг тантанаси мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси яхши самаралар берди.

Бепоён мамлакатимизнинг ҳамма жойларидаги каби Тошкентда ҳам олий ўқув юртларининг сони йилма-йил ортиб борди. Бундан ташқари шаҳардаги ўнлаб техникумлар, билим юртлари, мактабларда эллликдан ортиқ миллат вакилларининг фарзандлари тотувлик билан таълим олмоқдалар. Пойтахт илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларида 10 минг профессор, доцент ва ўқитувчилар, 500 нафар фан докторлари, 6 минг нафардан зиёд фан кандидатлари ишламоқдалар. Улардан анчагина қисми аёллардир.

Республикамиз пойтахтида илм-фаннинг бу қадар гуркираб ўсиши фақат ва фақат шонли Октябрь туфайлидир.

Яна бир неча кунлардан кейин совет халқи ва жаҳондаги барча прогрессив инсоният шонли сафда туриб, бу санани катта байрам сифатида муносиб нишонлайди. Шубҳа йўқки, бу сафда Тошкентдаги илм-фан масканлари улкан армиясининг ҳам ўзига хос шарафли ўрни бор.

ҚЎШ ҚУВОНЧ

Тошкент — меҳнаткашлари буюк инқилобнинг 60 йиллиги байрамига онгсиз тайёргарлик кўришмоқда. Саноат корхоналарида, қурилиш объектларида ва бошқа муассаса ҳамда ташкилотларда бу қутлуғ байрамни муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш учун фидокорона меҳнат қилишяпти.

Бу байрам пойтахтликлар учун алоҳида қувончлидир. Чунки, байрам арафасида биз узоқ йиллардан бери орзиқиб кутилган Тошкент ер ости поездлари қатновини йўлга қўямиз. Бу чнн маънода қувончли воқеа бўлиб, тошкентликлар учун жуда катта совғадир.

Тошкент метрополитени Ўрта Осиёда биринчи, Иттифоқда еттинчи, жаҳонда эса ўттиз олтинчи ер ости йўлидир. Бу улкан иншоотнн бунёдкорлар беш йил давомида бунёд этмоқди ва ҳозирги кунларда ҳам сўнгги ишлар шиддатга етказилмоқда. Бу Тошкент метрополитени биринчи навбатининг сўнгги ишлари холос. Аслида эса, пойтахт ер ости йўлларн қурилиши тўхтамайди. Метрополитеннинг иккинчи навбати қурилишини орадан узилиш бўлмасдан бошлаб юборамиз. Бу навбатда Юнусобод билан Аэропортни боғлаш кўзда тутилган. Кейинчалик, метрополитен биринчи навбатининг бошланиши бўлган Октябрь революцияси станцияси метрополитеннинг маркази бўлиб қолади. Шундан кўриниб турибдики, Инқилоб ҳиёбонидан Тошкентнинг тўрт томонига ер ости йўллари чўзилиб кетади.

Ҳозирги кунларда 12,5 километрлик биринчи навбат ер ости йўлининг барча станцияларида сайқалчилар ва монтажчилар ишлаштн. Бу станцияларни сайр этган киши метрополитен бунёдкорларининг меҳнатига юксак баҳо бериш турган гап. Чунки, ҳар бир станциянинг нсми-жисмига монанд қилиб, турли хил маънони англатадиган ўймакорлик суратлари чизилган ва панноллар ўрнатилган. Жумладан, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов номли станцияда унинг бюсти ўрнатилган ва станция деворлари Улуғ Ватан урушн жанглари ҳамда қаҳрамон совет халқининг олам-шумул ғалабасига оид суратлар билан безалган. «Пахтакор» станциясида эса эпнадан тушишингиз билан қўлида машъала кўтарнб югуриб кетаётган спортчи суратига кўзингиз тушади. Шунингдек, бошқа барча станциялар ҳам ўз номларига монанд равишда безатилган.

Станцияларни чиройли ва мазмунли қилиб безашда, бу безакларнинг барчасига Шарқ услубини сингдиришда машҳур ганчкор уста Маҳмуд Усмонов ва унинг бригадаси аъзолари хизматларини алоҳида таъкидлагим келади. Уларнинг санъатлари. метрополитенни йўловчиларга эстетик завқ бағишлайдиган қилиб безатишга ва Тошкент руҳини сездириб турншга салмоқли ҳисса қўшди. Шунингдек, «Рассом» комбинатининг рассомлари бажарган ишлар ҳам таҳсинга лойиқдир.

Метросозларимиз ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили — юбилей йили учун зиммаларига юксак мажбурият қабул қилишган. Бу йил 21 миллион 900 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларини амалга оширишимиз керак. Ўз кучимиз билан пландагига қўшимча равишда юз мингдаб сўмлик турли ишларни бажаришга аҳд қилганмиз. Ҳозирга келиб мана шу юксак маррага яқинлашиб қолдик. Барча асосий ишлар якунланмоқда. Метрополитеннинг депосини қуришда жонбозлик кўрсатган «Ташпромстрой» трести бунёдкорларига ва трестнинг Владимир Первушин бошчилигидаги қурувчилар коллективига миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Шунингдек, Ленин ордени кавалери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор Мамадали Чорнев бошчилигидаги бригада коллективи ҳам самарали ва сифатли меҳнат қилишди.

Тошкент метрополитенига Митишчев ва Ленинград шаҳарларида тайёрланган энг замонавий, барча қулайликларга эга бўлган бежирим ерости вагонлари келтирилган.

Метрополитеннинг биринчи навбатида жами 104 та вагон йўловчиларга хизмат кўрсатади.

Мен Тошкент метроси қурилишини интернационал дўстлик қурилиши деб атагим келади. Чунки бу зарбдор объектда мамлакатимизнинг ўнлаб шаҳарларидан келган турли миллат вакиллари бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилдилар. Жумладан, москвалик, ленинградлик, харьковлик, бокулик бунёдкорлар айниқса жонбозлик кўрсатишди.

Тошкент ерости поездлари дастлабки пассажирларга хизмат кўрсатишни бошлайдиган дақиқаларга саноқли кунлар қолди. Яқинда тошкентликлар «Ассалом, метрополитен!», дея қувонадилар, Бу қувонч бизнинг ҳам қувончимиздир.

С. АРТЮШЕНКО,
«Ташметрострой» трести партия комитетининг секретари.

ПЕШҚАДАМ КОЛЛЕКТИВ

СССР Олий Советининг навбатдаги ташқари еттинчи сессиясида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёркин ва сермазмун нутқидан ҳамда СССР янги Конституциясининг қабул қилинишидан илҳомланган пойтахтдаги 3-автокорхона коллективи зарбдор суръат билан меҳнат қилаяпти. Автомобилчилар Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этишмоқда.

Бу коллективда юбилей йили бошидан буён бригадалараро ва шахсий мусобақа кенг авж олдирилиб, ойлик ва квартал топшириқлари муntазам ортиги билан бажарилмоқда. Автокорхонанинг мингдан зиёд ҳайдовчилари ва ишчилари ҳозиргача ўнинчи беш йилликнинг икки йиллик шахсий топшириғини муддатидан илгари адо этганликлари тўғрисида рапорт бердилар. 570 кишидан иборат коммунистик меҳнат зарбдорлари эса Улуғ Октябрь 60 йиллигига 3—4 йиллик шахсий топшириқни бажаришга ваъда беришган эди. Улар ҳам айни кунларда ғалаба рапортларига имзо чекишмоқда. Шундай машъаллардан бири Қурбонали Иематовдир. Бу пешқадам ҳайдовчи бир беш йилчкда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажаришдек юксак мажбурият қабул қилиб ишлаяпти. Айни кунларда Қ. Исматовнинг меҳнат календарида 1979 йил бошланган.

Тошкентбой Мирзажонов, Александр Тарасов, Ҳикматилла Каримов, Зокиржон Алиев каби зарбдорлар ҳам илғорлар сафида боришмоқда.

М. ЭШМАТОВ.



Суратларда: Тошкент метрополитени қурилишида дастлабки кунлардан бери меҳнат қилиб келаётган зарбдор қурувчилар Сергей Немцов, Юсуф Комилжонов, Владимир Катаев, Владимир Мишин, Федор Лоренц, Владимир Вилков, Бобохон Йўлдошев ва Валентин Скибо ўртоқлар. Собир Раҳимов номли ва «Чилонзор» станцияларининг кўриниши.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.



САВОДХОН ЎЛКАМ

Касбим ўқитувчи бўлгани учунми саводхонлик илм чўққиларини эгаллашнинг хикматларидан гап очилса тўлқинланиб кетаман. Мамлакатдаги жамики ютуқ илм хосияти, ёппасига саводхонлик қудратидан деб биламан. Улуғ Октябрь инқилобидан аввалги давр билан бугунги кунни таққослаган ҳар бир киши орадаги жуда катта тафовутни дарҳол пайқайди. Саводсиз, қолоқ ўлкамиз ёппасига саводхон, экономикаси юксак ривожланган диёрга айланди.

Улуғ айёмларда улкан ғалабалар ҳақида қалбинг жўшиб сўзлагинг келади. Мактаб-маориф ишига бизнинг мамлакатдагидай ғамхўрлик ҳеч бир мамлакатда йўқ. Ўн йиллик мажбурий таълим, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида стипендия билан таъмнн этиш бу фақат советлар мамлакатида мавжуд.

Яқинда Москвадан қайтдим. Мен СССР Олий Советининг тарихий сессиясида иштирок этиб, Иттифоқимизнинг Конституциясини қабул қилишда ўз овозимни берганимдан беҳад фахрланаман.

Бир оддий ўзбек қизнга бунчалик ифтихорни Октябрь берди. Унинг раҳнамоси билангина биз эрк ва бахт эгаси бўлдик.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Леонид Ильич Брежневнинг сермазмун докладининг таъсири билан қалбим қувончларга тўла хис билан яшамоқдаман. Учрашувлар, суҳбатларда фақат инсон бахт-саодати, осойишталигини кўзда тутган Конституция қонунлари ҳақида тўлқинланиб сўзлаб бермоқдаман.

М. САМАТОВА,
СССР Олий Советининг депутати, Тошкентдаги 115 мактаб ўқитувчиси.

Шаҳримиздаги Халқлар дўстлиги музейи залларига қўйилган экспонатлар томо шабиняларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу экспонатлар Тошкент қурилиши, қардош халқларнинг оғалар ча кўрсатган ёрдами тарихидан ҳикоя қилади. Суратларда: музей залларидаги экспонатлар ва ўнгда халқ лар дўстлиги монументини кўриб турибсиз.

А. Абалян фотолари.





ЎРТОҚ ВЛАДИМИР ВИКТОРОВИЧ ОКУНСКИЙГА

Қадрли Владимир Викторович, бошингизга тушган оғир жудолик — меҳрибон онангиз, катта хурмат эгаси Афанасия Поликарповнанинг бевақт вафоти туфайли Сизга ўзимизнинг самимий таъзиямизни ва чуқур ҳамдардлигимизни изҳор этамиз.

Сизнинг қадрдонингиз Афанасия Поликарповнанинг ёркин хотираси уни билган барча кишиларнинг ёдида ҳамиша сақланади.

М. М. Мусахонов, А. В. Бранлов, А. И. Икромов, Н. И. Малихин, С. Т. Тошқулов, А. А. Ҳўжаев, А. М. Ҳўжаев, П. Ю. Юсупов, Т. З. Орипов, О. З. Зуфаров, М. М. Муллаев, Т. Солиҳов, Н. И. Белоусов, Г. Б. Йўлдошева, Ф. Г. Ёқубов.

АЛАНГАЛИ КУНЛАР ҚИССАСИ

1917 ЙИЛ 27 ОКТЯБРЬ. Тонг пайти. Узоқ аммо миллион-миллион меҳнаткаш омма умид боғлаган Петроград шаҳридан Тошкентга хушхабар етиб келди: ишчи ва солдатларнинг қуролли қўзғолони ғалаба қозонди!.. Бу воқеадан нўчиб кетган вақтли ҳукумат вакиллари — генерал Коровиченко ва бошқалар Тошкент ижроия комитетининг барча аъзоларини ҳибс қилиш ва Советларга содиқ ҳарбий қисмларни қуролсизлантириш тўғрисида буйруқ берадилар. Тошкент ва Сирдарё вилоятларида эса ҳарбий ҳолат эълон қилинади.

ШАҲАР Совети ҳам ўз навбатида қатъий чоралар кўрди. Революцион Комитет кенгашидан сўнг Ҳуррият Уйида кенгайтирилган мажлис чақирилди. Ҳарбий қисмларнинг, завод ва фабрикаларнинг, темирйўл устахоналарининг вакиллари қурол беришни ва темир йўл устахоналарини мустаҳкам ҳалқага айлантиришни талаб қилдилар.

Эрталаб соат ўнда Ҳуррият Уйини дафъатан юнкерлар ва казаклар қуршаб оладилар. Қаршилик кўрсатиш мумкин эмасдай туюлади. Оқ гвардиячилар Цвиллинг, Тоболин, Войнштейн, Казаков ва бошқалардан иборат 59 кишини қамоққа оладилар. Ижроия комитетнинг қолган аъзолари ғала-говур пайтда устахоналарда яширинишга улгурадилар.

Бу воқеадан фойдаланган Коровиченко 1- ва 2-Сибирь полкларини қуролсизлантириш тўғрисида фармойиш беради. Тун пайтида хонноа қилинган босқинчилик оқибатида 2-полкни қарашли солдатлар оқ гвардиячиларга бас кела олмайдилар. 1-полкни эса қуролсизлантириб бўлмайди... Ўртада отишма бошланади. Урта Осиё темир йўл устахоналаридан ишчилар солдат биродарларига ёрдам бериш учун етиб келадилар. Казак ва юнкерлар ҳайдаб юборилгач, 1-полкнинг аскарлари қурол-яроғлар ва ўқ-дориларни олиб, устахоналарга кўчиб ўтадилар. Натижада, бу ерда дастлабки кунлёк 3 мингдан зиёд қуролланган ишчи ва солдатлар жамулжам бўладилар.

Шаҳар ва ўлка Советларининг аъзолари раҳбарлигини қўлга оладилар. Тошкент Революцион Совети ўзининг ҳарбий истеҳкомини вужудга келтиради.

28 ОКТЯБРЬ. Эрталаб устахона ишчиси Г. Саричев гудок чалиб, қуролли қўзғолон бошланганлиги тўғрисида сигнал беради. Ишчи ва солдатлар вокзални, товар станцияси ва Госпитальная, Духовская, Қўйлиқ кўчаларини ишғол этадилар... Шундай қилиб, инқилобий ва аксил инқилобий кучлар очиқдан-очиқ юзма-юз тўқнашадилар...

Қуролли қўзғолонга бевосита большевиклар раҳбар эдилар. Улар Ревком аъзолари сифатида бўлинмаларга қўмондонлик қилдилар. Аммо, кучлар тенг эмас эди. Броневиклар ва отлиқ суворийларга эга бўлган генерал Коровиченко 28 октябрда Москва Шаҳар Думасига юборган ахборотида большевикларнинг аҳволи мушкул, уларни тезда кун-фаякун қиламан, деб мақтанди. Бироқ, у чучваранн хом санаган эди.

29 ОКТЯБРЬ. Оғир жанглар бўлиб ўтди. Бутун шаҳарда «Қирт генералнинг итлари» изғиб юрардилар. Маҳаллий бойваччаларден тузилган ёш «кўнгиллилар», кадетлар, гимназиячилар, тўралар, руҳонийлар — ҳаммаси халққа қарши отландилар... Лекин кечки пайт Салор кўпригини ишғол қилган ишчи ва солдатлар 17-Оренбург казак полкини ўраб олишга, 800 дан ортиқ ҳарбийларни қуролсизлантиришга муваффақ бўлдилар. Бу ўша соатлардаги жуда катта маънавий ғалаба эди.

Тошкент Совети бошқа шаҳарлар билан алоқа боғлади. Самарқанд, Кушка ва яна бир қанча шаҳарлардан ёрдам сўралди. Ўз навбатида Тошкент Советининг кучлари ҳам аста-секин орта борди.

30 ОКТЯБРЬ. Ҳал қилувчи жангда мағлуб бўлган генерал Коровиченко ва граф Доррерлар айёрлик йўлига ўтдилар. Улар сулҳ тузиш таклифини ўртага ташладилар. Большевиклар ўзларига қулай шартлар асосида бунга розилик билдирадилар. Аммо асосий мақсади фурсатдан фойдаланиш бўлган бебурд генерал отишмалар тўхташи биланоқ Оренбургга сим қоқди. Атаман Дутовдан қўшин юборишни ўтиниб сўради. Устига-устак шаҳар ичида жон сақлаб қолган унсурларни қайта қуроллантира бошладилар. Ҳамма нарса равшан. Сулҳ ҳақидаги гап риёкорликдан бошқа нарса эмас экан....

30 ОКТЯБРДАН 31 ОКТЯБРГА ЎТАР КЕЧАСИ. Ревком ва Ўлка ишчи ва солдат депутатлари Советининг қўшма мажлиси бўлди. Совет жангга отланиш тўғрисида қарор қабул қилди. Эрталаб шаҳарга ҳужум қилиш, кўприк, телеграф, почта, радиостанцияни ишғол этиш, Коровиченко, Доррер, Шендриков, Макеев ва уларнинг ҳамтовоқларини қамоққа олиш тўғрисида режа тузилди.

...ҲУЖУМ БОШЛАНДИ. Кундуз соат 12 да шаҳарнинг асосий қисми қўлга киритилди. Душман кўпригга қисиб қўйилди. Қалъа тўпларидан ўққа тутилди. Самарқанддан жўнаган қуролли отрядлар етиб келди. Кучга-куч қўшилди. «Олға, ўртоқлар!» — деган хитоблар янгради... Қалъа ичида эса тартибсизлик. Саросимада қолган аскарлар ўз қўмондонларига бўйсинмай қўядилар.

Таҳминан бир соат ўтгач қалъа таслим бўлди. Аксилинқилобий барча кучлар тор-мор этилди. Қуролли қўзғолон ғалаба қозонди!

1917 ЙИЛ 1 НОЯБРЬ. Революцион комитет ва Тошкент Совети ижроия комитети ҳамда Солдат ва ишчи депутатлари Ўлка Совети меҳнаткашларга қарата Мурожаат қабул қилди. Мазкур Мурожаатда бутун ҳокимият Тошкентда Советлар қўлига ўтганлиги тантанавор эълон қилинди. Ҳақиқий озодлик қўёшн нур соча бошлади. Бу пурвиқор зиё астасекин заҳматкаш Урта Осиё вилоятларига тарала бошлади.

ҚАРДОШЛИК КЎЗГУСИ

АГАР социализмни улкан бир дарахт десак, унинг XIX аср охирларида марксизм-ленинизм ғоялари куртак ёзган мустаҳкам шохларидан бири Тошкентда ўсиб чиқди. Буюк Октябрь инқилобидан кейин Тошкент нон шаҳри сифатида маълум ва машҳур бўлган эди. Улуғ Ленин партиясининг ғоялари жаҳон бўйлаб тантана қилаётган ҳозирги кунда Тошкент — Шарқда машъал, дўстлик ва қардошлик маскани сифатида тилларда достон бўлмоқда.

Утган йилнинг баҳорида ташкил топган Халқлар дўстлиги музейи залларида бўлган ҳар бир киши мана шу фикримизга тўла амин бўлади. Улуғ Октябрь 60 йиллиги тантаналари бошланаётган шу кунларда музей остонасидан одам аримайди. Айниқса шаҳримизга келган меҳмонлар музей олдидаги «Жасорат» ёдгорлигини кўриб, музей бўлимларига дид билан жойлаштирилган экспонатларни кўздан кечириб буюк дўстлик қудратидан ҳайратга тушишмоқда.

— Музейимизда, — дейди ёшгина экскурсовод қиз Раъно Муҳиддинова бизни юқори қаватга бошлар экан, — аввало улуғ рус халқи билан пахтакор ўзбек халқининг азалий мустаҳкам дўстлигини акс эттиришга алоҳида эътибор беряпмиз.

Мана, кўз ўнгимизда ўлкамиз Россияга қўшиб олинган давр воқеалари. Руслар билан бирга дастлабки техника, илғор маданият, ишчилар синфининг вакиллари, дастлабки марксчилар кириб келишган. Экспонатлардан бирида Закаспий темир йўли қурилиши тасвирланган. Россиянинг саноат шаҳарлари ва Ғарбий Европа билан йўлга қўйилган савдо алоқалари ҳам халқлар дўстлигининг уруғи кўпроқ сочилиб, униб-ўсишга ижобий таъсир кўрсатган эди. Тошкентда социалистик революцияни амалга оширишда, Совет ҳокимияти ўрнатилишида ўзбек ва руслардан ташқари бошқа ўнлаб миллат вакиллари ҳам актив иштирок этишган.

...1920 йилда В. И. Ленин Тошкентда университет ташкил қилиш тўғрисидаги Декретга имзо чекди.

...Шудгор. Беқасам тўн кийган ўзбек йигитига олтин соч рус йигити трактор бошқариш-ни ўргатмоқда.

...Республикамизнинг биринчи президенти Й. Охунбобоев тўқимачилик комбинати қурилишида биринчи ғиштни қўймоқда.

...1944 йил колхозчи Байрамов Сталинград вайронаси ўрнига яни бино қуряпти.

...Шоаҳмад Шомаҳмудовнинг 16 кишидан иборат интернационал оиласи дастурхон атрофида... Бундай дилга ҳаяжон солувчи суратлар жуда кўп.

В. И. Ленин проспектидан ўтиб «Жасорат» монументига яқинлашган кишининг кўзи дарҳ кетган гранит парчасига тушади. Унга «1966 йил 26 апрель» деб ёзиб қўйилган. Мана шу гранитгина ўша машъум офатдан хотира бўлиб, фақатгина хотира бўлиб қолди. Совет халқларининг интернационал дўстлиги республикамиз пойтахтида зилзила оқибатларини тугатишнинг муҳим омили бўлди. Мамлакатимизнинг ҳамма область ва шаҳарларидан келган қардош қурувчилар Тошкентга бутунлай янги қиёфа бағишлашда жон куйитиб ишлашди. Музейнинг бутун бир бўлмасидаги экспонатлар шу ҳақда сўзлайди.

Раънохон ўтмишдан бир ривоятнамо воқеани бизга айтиб берди. 1898 йилги зилзилада Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман оёғи жиддий шикастланибди. Шу сабаб бўлиб, Зарафшонга қилинадиган ҳарбий экспедиция икки ой кейинга сурилган экан. Бир офатдан кейин иккинчи офат...

Эндиликда Тошкент Ватанимизнинг йирик саноат ва маданият марказларидан бири бўлиб қолди. Бу ерда халқаро симпозиумлар, жаҳон ва Иттифоқ миқёсидаги учрашувлар, кинофестивеллар ўтказилмоқда. Ўзбекистон экономика, фан ва маданиятда кўплаб йирик капитал давлатларини ортда қолдириб кетди. Ҳозир республикамизда 43 та олий ўқув юрти бўлиб, уларнинг аудиторияларида 300 мингдан ортиқ студент таълим олмоқда. Талабалар сафида қардош республикалар ва хорижий мамлакатлардан келган йигит-қизлар ҳам борлиги диққатга сазовордир. Бу ҳақда музейдаги турли буюмлар, фотосуратлар ва таққословчи диаграммалар қизиқарли ҳикоя қилади.

Эртанидин азим шаҳримизда ер ости транспорти — метрополитен қатнови бошланади. Метрони Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Боку ва бепоён мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган қурувчилар бунёд этишмоқда. Халқлар дўстлигини яққол ифодаловчи бу факт ҳам музей залларида ўз ўрнини топган.

Тошкентда халқ қадами узилмайдиган муқаддас даргоҳлар кўп. В. И. Ленин музейи, В. И. Ленин номли майдон, Санъат музейи, Санъат саройи, инқилоб ҳиёбони ва бошқа жойлардан меҳмонлар узилмайди. Шаҳар кўркига кўрк қўшиб салобати баланд муқаддас масканлар қаторида марҳумга уланган газҳар бўлиб турган Халқлар дўстлиги музейи ўз мавзуи бўйича Иттифоқда учинчи музейдир. Яқинда музей коллективи Москва Халқлар дўстлиги музейдаги уч залли Ўзбекистон бўлимига янги экспонатлар юборди. Бу москваликларга Тошкентдан юбилейолди совғаси бўлди.

А. АБДУБАННОПОВ.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРДИЛАР

Хоразм областининг пахтакорлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 27 октябрь куни муддатидан илгари бажардилар. Область колхозлари ва совхозлари қабул пунктларига 573 минг тоннадан кўпроқ пахта топширдилар.

Область хўжаликларида ипатоволиклар усулида 242 та пахта териш отряди тузилди, бу пахта терадиган техникадан юқори унумли фойдаланиш ва машиналарда 275 минг тоннадан кўпроқ — планга нисбатан 105 процент пахтани териб олиш имконини берди. Ҳар бир машинанинг ўртача иш унуми 130 тоннани ташкил этди.

Деҳқонлар етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини териб олиш учун астойдил курашмоқдалар ва бу йил пахта етиштириш умумий ҳажмини 600 минг тоннага етказишга азму-қарор қилдилар

ФАРҒОНА ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Фарғона области қишлоқ хўжалиги механизаторлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш умумий ҳажмини 27 октябрь куни муддатидан илгари бажардилар. Область колхозлари ва совхозлари қабул пунктларига 573 минг тоннадан кўпроқ пахта топширдилар.

Область хўжаликларида ипатоволиклар усулида 242 та пахта териш отряди тузилди, бу пахта терадиган техникадан юқори унумли фойдаланиш ва машиналарда 275 минг тоннадан кўпроқ — планга нисбатан 105 процент пахтани териб олиш имконини берди. Ҳар бир машинанинг ўртача иш унуми 130 тоннани ташкил этди.

Деҳқонлар етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини териб олиш учун астойдил курашмоқдалар ва бу йил пахта етиштириш умумий ҳажмини 600 минг тоннага етказишга азму-қарор қилдилар

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1978 ЙИЛ ҲОСИЛИГА ПУХТА ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ромитан район партия комитетининг 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш борасидаги тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланадики, Ромитан районининг қишлоқ хўжалик механизаторлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг қарорларини амалга ошира бориб, деҳқончилик маданиятини планли равишда ошириш ва комплекс механизацияни жорий этиб, бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга 90 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди, бу эса плондагидан 16 минг тонна ва 1974 йилги рекорд ҳосилдан 18 минг тонна ортиқдир. Гектар бошига 38 центнердан ҳосил кўтарилди. Дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум тайёрлаш, хашак ва сенаж бостириш планлари оширибб бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ялдам олиб борилмоқда.

Район пахта териш техникасини ва ипатоволикларнинг тажрибасини кенг қўлланиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қисқа муддат ичида юбудгарчиликка йўл қўймай, йиғиб-териб олди. Шу туфайли кузги-қишки тадбирларнинг бутун комплексини энг яхши агротехника муддатларида ўтказиш учун вақтдан ютилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ромитан район партия комитетининг 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш борасидаги тадбирларини ҳамда комплекс планни маъқуллади. Бу ишлар 15 ноябрга қадар тугалланади, бунинг учун қишлоқ хўжалиги йилининг мана шу босқичида ҳам Ставрополь ўлкасидаги Ипатово райони тажрибасидан кенг фойдаланишга қарор қилинди.

Область ва район партия комитетлари, республика колхоз ва совхозларининг бошланғич партия ташкилотлари ромитанликларнинг тадбирларини кенг қўламда мухокама қилишлари ва шу асосда кузги-қишки ишларни ўтказиш учун ўзларининг комплекс планларини ишлаб чиқишлари шарт. Планларда ҳайдов тракторларини, ғўзапоянн юлувчи машиналарни, плугларни, ер текисловчи машиналарни, насос агрегатларини, юк ортиш-тушириш механизмларини, транспорт воситаларини яқин кунлар ичида ремонтдан батамом чиқариш, ишларнинг конвейер усулида бажарилишини таъминловчи технология операцияларнинг бажарилиши узлуксиз бўлишига сўзсиз риоя этилиши ва бу ишлар энг мақбул муддатларда ўтказилиш кўзда тутилсин.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Узсельхозтехника» ва «Узплодоовощчанипром» бирлашмалари, уларнинг жойлардаги органлари кузги-қишки ишларнинг планларини ишлаб чиқишда, техникани тайёрлашда ва механизациялашган отрядларни тузишда, механизаторлар тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва бу отрядларни кечаю-кундуз ишлаш учун механизаторлар билан таъминлашда республиканинг районлари, колхоз ва совхозларига мумкин қадар кўпроқ ёрдам беришлари керак.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни намунали ўтказиш мақсадида қишлоқда социалистик мусобақани авж олдириш борасида ташкилотчилик иши ва сиёсий ишни кучайтиришлари шарт.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни намунали ўтказиш учун олиб бориладиган социалистик мусобақани кенг ёритиш топширилди.

ОКТЯБРЬ САМАРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БИРЛАШГАН ПЛЕНУМИ

Октябрь. Ўзбек совет адабиёти ва ўзбек совет тасвирий санъатига Октябрь асос солди. Октябрь туфайли биринчи ўзбек профессионал театри ташкил топди. Октябрь — кинематография, опера, балет, симфонияни бунёд этган сана...

Октябрь самаралари... Бугун, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида Октябрь мамлакатимиз халқларининг қисматига, ҳар бир кишининг ҳаётига қандай таъсир кўрсатганлиги айниқса яққол сезилиб турибди. Республикамиз ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, кинематографиячилари истеъдоди ва илҳоми билан ўз халқига ҳизмат қилаётган барча ижодкорларнинг асарларида Октябрь ғояларига, партия ғояларига садоқат асосий хусусият эканлигини кўрамиз. Ўзбекистон ижодий союзларининг 31 октябрь куни бўлиб ўтган бирлашган пленумининг қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан пленумнинг фахрий президиумига сайланди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Ўзбекистон ёзувчилари союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин пленумни очди.

Шу тантанали дамларда — юбилей арафасида Ўзбекистон ижодий союзлари бирлашган пленуми номидан, барча ижодкор зиёлилар номидан жонажон Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига чуқур миннатдорчилик сўзларини айтишни истайман.

Улуғ Октябрь ўзбек диёрига берган самараларини санаб адо қилиш, кўламини белгилаш қийин. Индустриямиз, электростанцияларимиз, лиммо-лим каналларимиз, инсон қўли билан яратилган денгизларимиз ҳаммаҳаммасининг ягона бир манбаи октябрдир. Пахта далалари меҳнаткашларининг бугунги зафари, советлар мамлакати халқларининг мисли кўрилмаган қардошларча дўстлиги — Октябрь самарасидир.

Шу дўстлик замирида, улуғ рус маданияти билан, бошқа халқларнинг маданиятлари билан ижодий ҳамкорлик замирида совет Ўзбекистони адабиёти ва санъатини гуллаб-яшнатди.

Пленумда ёзувчилар, мўйқалам усталари, экран, мусиқа ва саҳна усталари жонажон мамлакатимиз, халқимиздан, унинг меҳнат майдони ва жангларда эришган қаҳрамонона зафарларидан ҳамиша фахрланаётганликлари тўғрисида, халқимиз ҳақида асарлар яратишга қалбни бағишлаш бахт-саодати тўғрисида гапирдилар.

СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони кинорежиссёр К. Ёрматов пленумда сўзга чиқиб, революция ҳақида, диёримиздаги революцион ўзгаришлар тўғрисида замондошларимизга, келгуси авлодга қалб ҳарорати билан янада кенгроқ чуқурроқ, мароқлироқ қилиб гапириб берди. Доимий интилиш ижодиётимизнинг — адиблар ва санъат арбоблари неча-неча авлодлари ижодиётининг қонуни бўлиб қолсин, деб таъкидлади.

1977 йил — Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи чинонланадиган, ватанимиз янги Конституцияси қабул қилинган йил янги-янги ижодий чашмаларини очиб бермоқда, Қорақалпоғистон халқ шоири И. Юсупов, «Правда Востока» газетасининг редактори Н. Ф. Тимофеев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Н. Сафаров, ёзувчи О. Ёқубов, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати композитор М. Тожиев, «Гулистон» журналининг редактори А. Мухтор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Т. Қодирова, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ч. Ахмаров шу ҳақда гапирдилар.

СССР халқ артисти З. Муҳаммаджонов сўзга чиқиб, бундай деди: янги Конституциямизда социал тараққиёт ва маданият тўғрисида ёзилган моддалар халқимиз жуда катта маънавий камолотга эришилганлигининг энг яхши далилидир, деб алоҳида ифтихор билан таъкидлашни истардим.

КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев номига якдиллик билан табрикнома қабул қилинади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Вьентьяндан Москвага бораётган Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Лаос Халқ Демократик Республикасининг Бош министри Кейсон Фомвихан 30 октябрда бироз вақт Тошкентда тўхталиб ўтди.

ЛХДР, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида К. Фомвиханни ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин, П. Р. Курбонов, О. У. Салимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитетининг Раиси Э. Б. Нордман, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

ЛХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Бош министри К. Фомвихан ва унинг ҳамроҳлари шу куни Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

„Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 31 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ


Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида.
(Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан машиналарда бир кунда; бешинчи устун — мавсум бошидан буён).

ҚУИИ ЧИРЧИҚ	0,03	114,63	—	126,04
ЧИНОЗ	0,11	112,00	0,14	112,80
БЎКА	0,02	110,25	—	117,69
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0,04	107,99	—	122,9
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,01	107,68	—	112
ЯНГИЙЎЛ	0,19	104,88	0,24	9
ПИСКЕНТ	0,01	103,31	—	10
ОҚҚЎРҒОН	0,02	103,10	0,02	1
БЕКОБОД	0,13	100,53	—	
ОБЛАСТЬ БЎЙИЧА:	0,06	106,71	0,02	

АНАСТАСИЯ ЧУДНАЯНИНГ ТУҲФАСИ

ҚИБРАЙ. «Красний водоп... ментал базасин... ғувчиси, Соци... нат Қаҳрамо... Ивановна ... тябрининг ... фига ўз ... циалист... жарди... дига ... сорт с... йилли... дан ... КП... Бо... С...

ТОШКЕНТ — ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Кейинги йилларда жуда кўплаб турар-жой бинолари, замонавий типдаги маданий-маиший объектлар, бир-биридан чирой ли хиёбон ва майдонлар барпо этилди. Суратда: Давлат цирки ва янгидан қурилган турар-жой биноларини кўриб турибсиз.

Ж. Тўраев фотолари.

СПОРТ

ФУТБОЛ

РЕСПУБЛИКА КУБОГИ ХОРАЗМ ФУТБОЛЧИЛАРИДА

Ўтган дам олиш куни «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон кубоги учун мамлакат чемпионати иккинчи лигасида қатнашаётган Хеванинг «Хоразм» ва Термезнинг «Автомобилист» командалари ўртасида финал ўйини бўлиб ўтди.

Мавсумни учинчи ўринда якунлаган «Автомобилист» футболчиларининг финал ўйиндаги рақиби ҳам кучли бўлиб, хоразмликлар чемпионатни тўртинчи ўринда тугатишди. В. Монсеев билан А. Кривоноговлар ўз командасини икки марта олдинга олиб чиқишди. Лекин «Автомобилист» хужумчилари жавоб тўпларини киритишиб, ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Қўшимча берилган 30 минутда ҳам 2:2 ҳисоби ўзгармади. 11 метрли тўплар тепишда 4:2 ҳисобида устун келган Сергей Доцко шогирдлари кубок эгаси бўлишди.

БИРИНЧИ ЎЙИНДА МАҒЛУБИЯТ

Келаси йил мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашиш ҳуқуқига даъвогарлик қилаётган «Янгиер» футболчилари дастлабки ўйинини Краснодарда «Кубань» командаси билан ўтказди, 0:2 ҳисобида енгилишди. Жавоб учрашуви 5 ноябрда бўлади. Агарда бу ўйинда республикамиз футболчилари ғолиб келишса, йўлланма эгаси холис майдонда ўтказиладиган учинчи ўйинда аниқланади.

ХОККЕЙ

ОЧКОЛАРНИ БАҲАМ КЎРИШДИ

«Бинокор» хоккейчилари чемпионатнинг навбатдаги ўйинларини Челябинскда маҳаллий «Металлург» командаси билан ўтказишдилар. Биринчи баҳсда меҳмонлар 7:2 ҳисобида ғолиб келишди. Иккинчи учрашув эса майдон эгалари фойдасига 6:4 ҳисобида тугади. Ҳозирча «Бинокор» 12 очкога эга.

БАСКЕТБОЛ

БОШЛАНИШИ ЯХШИ

Мамлакат чемпионати биринчи лигаси вакиллари ўртасида навбатдаги ўйинлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Давлат физкультура институти баскетболчилари «Ешлик» спорт аренасида Душанбанинг «Спартак» командасини қабул қилишиб, иккала ўйинда ҳам устун келдилар. Ҳисоб 70:57, 74:58.

ТАЪЗИМ СЕНГА, МЎЪТАБАР АВЛОД

Эрта тонгданоқ Тошкент район партия комитети биноси олдидаги майдонга нуроний отахонлар ва бахтиёр онахонлар кела бошлашди. Октябрь тенгдошлари, уруш ва меҳнат ветеранлари областда биринчи марта ўтказилаётган ветеранларнинг юбилейолди қўшма кенгашига таклиф этилдилар. Алвон шиорлар билан безатилган автобуслар шаҳар томон йўл олди.

Мукимий номли театр залини жанговар жадалларда, тобланган меҳнат фронтида узоқ йиллар меҳнат билан тер тўккан ўзи кекса бўлса ҳам, қалби навқирон кишилар тўлдиришди. Район партия комитетининг секретари М. Раҳимжонова ветеранларни Октябрь 60 йиллиги билан табриклаб, кенгашни очди. Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари Юсуф Толиповга сўз берилди.

— Октябрь берган бахт нуридан баҳра олиб яшай бошлаганимизга олтмиш йил тўлмоқда, — деди нотиқ. — Бу давр ичида коммунистик жамият кишисининг маънавий қиёфаси, халқнинг турмуш даражаси мисли кўрилмаган даражада ўсди. Коммунистик партия раҳбарлиги остида кишиларимизнинг онгли ижодий меҳнати эвазига мамлакатимиз ҳар томонлама юксалди, қудрати ошди.

Яқинда матбуотда бир гуруҳ чорвадорларнинг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга мактуби ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг жавоб хати эълон қилинди. Донгдор чорвадорлар сафида Тошкент районидан «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввар Исоқова ҳам борлиги биз учун ғоят фахрлидир.

Район меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин шараф билан бажардилар. Қўлга киритилган ютуқларда меҳри дарё отахон ва онахонларнинг ҳиссалари салмоқли бўлмоқда. Улар ёш деҳқонларга чинакам мададкору маслаҳатгўй бўлишмоқда.

Ветеранлар кенгашида Карл Маркс номли колхоз раиси, колхоз тузуми ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғ. Абдуллаевга сўз берилди. Қаҳрамон она Саодат Аҳмаджонова, Ўзбекистон халқ шоири Миртемир, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати шоир Абдулла Орипов, СССР халқ артистлари Лутфихоним Саримсокова, Раззоқ Ҳамроев, район комсомол комитетининг секретари Н. Лутфуллаев ҳамда артистлардан Ф. Умаров ва Х. Алимардоновалар ветеранлари яқинлашаётган юбилей тантаналари билан табриклашди.

Ветеранлар кенгашида Тошкент область партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири Э. Шодмонов қатнашди.

П. НИШОНОВ.

САХОВАТ

Одамларга бахт ҳадя этишдан ҳам юксакроқ ва гўзалроқ нарса йўқ.

БЕТХОВЕН.

У одатдагидек ишга барвақт келди. Коридор бўйлаб хонаси томон бораркан, чақчақлашиб ноншўта қилаётган беморлар билан самимий саломлашар, улар чеҳрасидаги яхши кайфиятни кўриб ўз ишидан, қолаверса, кўл остидаги шифокорлар нажотидан мамнун бўларди. Ахир, мана шу беморларнинг кўпчилиги кечагина кроватдан туролмай шифога термулиб ётган кишилар эди.

Доктор иш столига ўтирмасданоқ кундалик календарга тиркаб қўйилган конвертга кўзи тушди. Қўлга олиб, кўз югуртирди: «Тошкент. Республика марказий практология бўлими мудири З. Низомовга...». Хат Москвадан бўлиб, республикада эмас, ҳатто Ўрта Осиёда ўз соҳасининг етук мутахассиси ҳисобланган хирург-практолог Зайниддин Низомов яқин кунлар ичида пойтахт Москвада бўладиган биринчи умум Россия практологлар конференциясига таклиф этилганди. «Бундай катта йиғинларда иштирок этиб, юксак тоифадаги олимлар билан фикрлашиш жуда яхши. Лекин, касаллар-чи? Айниқса, кечагина операциядан чиққанларчи...» кўнглидан ўтказди у. Дарҳол катта медицина ҳамшираси Маҳсума Аминовани чақиртириб, кечаги операциядан чиққан озарбайжонлик Бахшгелди Карапотядзе, саратовлик Валерий Ражков, бухоролик Шомурод Сатторовларнинг аҳволини сўради. Ҳамшира уларнинг аҳволи дуруст, фақат Жамбул областидан келган тракторчи Файзулла Элликбоевнинг аҳволи оғирроқ деди.

Бўдим мудири ҳамширага унга қон қуйишни тайинлади. У халатини эндигина қўлига олган ҳам эдики, «Тез ёрдам» машинаси келиб қолди. Хирург тугмаларини тез-тез қадай бошлади. Шу пайт шиддат билан хонага кирган ҳамширага «тушундим» маъносида бош силкиб, қабулхона томон юрди.

Икки ҳамшира 35 ёшлар чамасидаги йигитни суяб олиб киришди. Текширув бошланди. Ўзини қўярга жой тополмай безовталанаётган беморга аниқ диагноз қўйилди ҳам.

...Эшик ортида кишини чуқур ўй ва ҳаяжонга солувчи дақиқалар бошланди. Бемор операция столига олиб ўтилди. Жарроҳ эҳтиётқорлик билан тиғ ушлади. Хона узра унинг қатъий оҳангдаги товуши эшитилади.

— Ася, дадилроқ, скальпел.

— Маҳсума, қон сизмасин, юрак уришини ҳушёрлик билан кузатинг.

Ўзи эса эпчил ҳаракат киларди... Бир неча кундан бери аъзои бадани ,ўртаниб, қийналиб кетган бемор оғир дарддан халос этилди.

Зайниддин Низомович юзидан оқ докани аста кўтарди-да, кенг пешонасидан маржон-маржон совуқ терларни сидириб ташлади. У дастлаб илтижо билан ўзига қадалиб турган бемор кўзларига қаради. Қаради-ю, офтобда эриб тушаётган шаффофдек шудринг томчилари каби ёшларни кўрди унинг кўзида. Беморнинг мадорсиз лаблари аста ҳаракатга келиб, «раҳмат, доктор» деди.

Ҳа, бемордан «раҳмат, доктор» сўзини эшитиш, бу шифокор учун катта бахт, бу унинг меҳнатига берилган дастлабки юксак баҳо! Зайниддин ака бундай юрак сўзларини неча мартабалаб эшитган, бундай мураккаб операциялар «кўча»сидан неча марта ўтган. Лекин, жарроҳлик соҳасида кўп ишлаб кетган, катта ҳаёт тажрибаси, мустаҳкам иродаси, сабр-бардошли бугун унга қўл келадити.

Дарҳақиқат, Зайниддин Низомов 1953 йилдан бери жарроҳлик касбини эъзозлаб, кишилар ишончини оқлаб келаётир. У Тошкентдаги 10-шаҳар клиник шифохонасининг 300 дан ортиқ шифокорларидан бири. Жарроҳ оддий врачликдан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош мутахассиси даражасигача кўтарилди. Олий даражадаги врач, хирург-практолог Зайниддин Низомовнинг бевосита ташаббуси билан шифохона ҳузурида республика проктологик маркази ташкил этилди. Энди кишиларда учрайдиган парапроктик, бавосил каби касалликлар фақат шу ерда даволанадиган бўлди. Шу бўлимга раҳбарлик қилаётган Зайниддин Низомов ва унинг қўл остидаги врачлар бу хил касалликларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, унинг асорати тўғрисида ҳамда даволаш йўлларини йиллаб пухта ўргандилар. Зайниддин аканинг ўзи эса ҳамон изланишда давом этмоқда.

— Киши ўз билимини узлуксиз ошира бориши керак, — дейди Зайниддин ака. — Акс ҳолда оқар сув тўхтаб қолса, қўлмак бўлганидек, киши онги ҳам тор доирада қолаверади. Биргина елвизак оқма касаллигини операция қилишнинг 90 усули мавжуд бўлса-да, бу дарднинг ҳаммасини беморларда қўллаш жуда мураккабдир. Шунда шу касаллик қайталанib ҳам туради. Шунинг учун ҳам биз ҳозирги кунда олимлар билан ҳамкорликда шу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни операция қилиш йўли билан даволаш устида узлуксиз иш олиб бормоқдамиз. Шу ўринда айтиб ўтиш ҳам керакки, бизнинг бўлимимизга республикамизнинг, ҳатто қардош республикаларнинг турли бурчакларидан беморлар шифо излаб келмоқдалар. Бироқ, бўлимда бор-йўғи қирқ ўрин бўлганлиги учун ҳам уларнинг ҳаммасини қабул қилолмаймиз. Бу ҳақда ўйлаб кўрилса яхши бўларди.

Ўз касбини санъатга айлантирган жарроҳ яна нималарнидир айтмоқчи бўлиб ҳаёлга чўмди. Биз у кишининг фикрини бўлмадик.

Ҳаёл, режа, иш. Яшаш шундан иборат! Кўксингда тепиб турган юрак ҳаёт нишони бўлганидек, миянгда кезиб юрган ҳаёллар ҳам умрнинг мазмунидир. Нимаки қилмоқчи бўлсанг, дастлаб шу ҳақда ҳаёл қилласан, ўйлайсан, турли режалар тузасан. Фикрлашиб обдон «пиширибв», сўнг амалга оширасан. Яхши ўйлаб қилинган иш сенга олқиш келтиради, кишилар ишончини оширади. Кишилар бағрида сочилган яхшилик уруғи ҳеч қачон унут бўлмайди.

Р. ПУЛАТОВ.

ОТА-ЎҒИЛ МЕДАЛИ

Ота-бола ҳамиша бирга машқ қиладилар. Мусобақаларда ҳам бирга, ёнма-ён туриб қатнашадилар. Мухлислар уларни ҳурмат шоҳсупасида ҳам ёнма-ён кўришга одатланиб қолишган. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Киевда кема моделн спорти бўйича ўтказилган Европа чемпионатида тошкентлик инженер Александр Разумовский ва унинг ўғли Владимир Разумовскийлар қитъаниинг чемпионн бўлиб, олтин медал билан тақдирландилар. Яқиндагина Тернополда ўтказилган СССР биринчиклигида улар олтин ва кумуш медалга сазовор бўлишган эди. Мана энди эса ота-бола бир-бирини «ўкситмай» қўш олтин медалнн кўлга киритишди.

Киевда Европанинг 14 мамлакатидан 460 дан зиёд кема моделчилари тўпланишди. Биринчи бўлиб ўсмирлар группасида Владимир Разумовский мусобақага қўшилди. У радио орқали бошқариладиган моделнин мураккаб маршрут бўйича шунчалик аниқлик билан олиб ўта олдики, судьялар унинг ҳаракатнни энг юқори балл билан баҳолашди. Тошкентлик спортчи биринчи бўлиб олтин медал билан тақдирланди.

Ўғлининг ютуғидан руҳланган ота ҳам стартга кўтарилиш рухда чиқди. Бир неча карра рекордчи бўлган, мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритган, тошкентлик инженер Александр Разумовский программанинг биринчи турида ГДР вакили В. Эбельга кичик фарқ билан ютқазиб қўйган эди. Шуннинг учун иккинчи турда у қандай бўлмасин ғолиб келиб, умумий биринчи ўринга кўтарилиш ниятида эди. Биринчи ҳаракатдаёқ тошкентлик конструктор олтин медалга жиддий даъвогар эканлигини кўрсатди. Унинг модели барча олтита тўсиқдан ниҳоятда аниқлик билан ўтиб, энг юқори 100 балл билан тақдирланди. Иккинчи ҳаракатда ҳам А. Разумовский В. Эбельни орқада қолдирди ва биринчи ўринга кўтарилиб, Европа чемпиони бўлди.

Ота-бола Разумовскийлар ҳалн кўплаб мусобақаларда иштирок этиш ниятидалар. Улар ҳамиша бирга қатнашиб, ғолиблар сафида ҳам ёнма-ён туришмоқчи.

Э. АҲМЕДОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли
Б. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида

ЯНГИ ОЧИЛГАН
182-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—78 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭШЛАР БИЛИМ ЮРТИДА ГИШТ ТЕРУВЧИ, СУВОҚЧИ, БЎЁҚЧИ, БЕТОНЧИ, ТРАКТОРЧИ, АВТОКРАНЧИ КАСБЛАРИНИ ЭГАЛЛАБ ЧИҚАДИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАҚИМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШАЙДИГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини 3 йиллик таълим муддатида битирганларга ўрта маълумот ва эгалланган ихтисослик бўйича диплом берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар ўқиш даврида бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар ва ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: ариза, таржимаи ҳол, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, медицина картаси (тасдиқланган), турар жойидан справка, 6 та фотосурат (4х5 см).

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ (якшанба кунидан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 2-уй (17, 69, 73-автобусларнинг охирги бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Умид стартлари». 11.15 — «Кинода ёзаётганлар клуби». 12.15 — Бизнинг биография. 1976 йил. 13.30 — Ҳужжатли фильм. 13.55 — «Ватан космонавтикаси саҳифалари». 16.40 — «Касорат». 17.10 — «Ўрлёнок». 18.00 — Миллий байрам — революция бошланган кунга бағишланган Жазоир Халқ Демократик Республикаси телевидениесининг программаси. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубоги учун. 20.00 — Театр учрашувлари. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган спорт байрами. 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — «Бепоён Ватаним менинг». 11.40 — Фильм-концерт. 12.05 — «Фавқулодда комиссар» (бадиий фильм). 13.35 — Ҳужжатли фильм. 14.05 — «Замин дарғаси» (адабий композиция). 18.00 — «Камалак» бизнинг қўлларимизда». 18.30 — «Кино ва давр». «Регистон узра алвон байроқ» (учинчи кўрсатув). 19.30 — Ахборот». 19.45 — Чолғу куйларидан концерт. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Футбол. «Колхозчи»—«Пахтакор» (иккинчи тайм). 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Москва. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган спорт байрами.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.15 — Эстетика. 19.35 — Чизмик ва Одмалик меҳнаткашлари мусобақалашмоқдалар. 20.25 — Реклама. 20.40 — Янгиликлар. 21.00 — «Ўқитувчи эҳтиёжи». 21.30 — Математика.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастролари. «Цирк» аттракциони (18.00).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Озодлик солдатлари (3 ва 4 серия), кундуз ва кечкурун, катта зал), Снёвуш ҳақида қисса (кичик зал, кундуз ва кечкурун).

Озодлик солдатлари (1 ва 2 серия) — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00), «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 21.00), «ДРУЖБА» (12, 15.30, 18.45, 20.00).

Озодлик солдатлари (3 ва 4 серия) — «ЧАНКА» (10.30, 13.45, 17, 20.15), «МОСКВА» (10, 13.30, 17, 20.30).

Оталар изидан борар солдатлар — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 19, 21.00), «УЗБЕКИСТОН», ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (кундуз ва кечкурун).

Иккн солдат ҳақида қисса — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Ширин аёл — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Ютуқ — «ИСКРА» (19.30).

Кумуш нўл хазинаси — (11, 13.30), Оқ қулоқчин (15, 17, 19, 20.45) — «НУКУС».

Тошкент область партия комитетининг партия ташкилоти ва маҳаллий комитети область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунскийга онаси Афанасия Поликарповна ОКУНСКАЯнинг вафот этганлиги муносабати билан самимий ҳамдард. дик билдиради ҳамда марҳумнинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

ФОТИМА, ЗУҲРА, ҲАСАН



— Бундай ходиса дунёга келган ҳар тўрт минг фарзанд ўртасида бир марта содир бўлади. Статистик маълумотлар шуни исботлаб турибди.

Кейинги ўн йил давомида тўғунизда бир йўла уч фарзанд талар бўлган. Лекин уларнинг ни гоҳо ривожланиб етилмашошқалари дунёга келгач ди. Куни кеча қувончли лди, дейди 1-туғчи Феруза Сайфутдиедова, — Самарқанд ччор проездидаги 44-ёра Нурмуҳамедова динг онаси бўлди. Фотима ҳам, Зуҳ-Ҳасан ҳам дунёга оларидан сира ко-ар ҳар бирининг грammдан.

медова фар-а Ҳасанлар тоси.

«ВАТАН» ЖАМИЯТИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Яқинда Тошкентда матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияни чет эллдаги ватандошлар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон («Ватан») жамияти ташкил этди. Бу жамият тузилганлигининг бир йиллигига бағишланган матбуот конференциясида Ўзбекистоннинг таниқли маданият арбоблари, «Ватан» жамиятининг таклифига биноан чет эллардан келган меҳмонлар, Ватанига қайтган граждалар иштирок этдилар.

«Ватан» жамияти президиумининг аъзоси, Ҳамза номли Давлат мукофотининг лауреати, ёзувчи Ҳамид Ғулом йиғилганларга Октябрнинг буюк ғоялари, СССР янги Конституцияси реал ҳаётда амалга оширилаётганлиги тўғрисида гапириб берди. Сўзга чиққан нотиқлар «Ватан» жамияти қилаётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

1978 йил учун «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига обуна давом этмоқда

Обуна барча алоқа бўлимларида, корхона ва қурилишлар, колхоз-совхозлар ва муассасаларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга — 2 сўм 64 тийин, бир йилга — 5 сўм 28 тийин.

«Тошкент ҳақиқати»га ўз вақтида обуна бўлишни унутманг!

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»).
Ташкентского обкома КП Узбекистана
ластного Совета народных депутатов.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64584. Г. 1736.